




Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Статистика ва тадқиқотлар департаменти
Ж. Мамасалаев

**Кредит хатарларини камайтиришда қўлланиладиган
макропруденциал чоралар: давлатлар тажрибаси ва
Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари**

Тошкент 2025

**Кредит хатарларини камайтиришда қўлланиладиган
макропруденциал чоралар: давлатлар тажрибаси ва
Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари**

Статистика ва тадқиқотлар департаменти томонидан тайёрланди.
Ўз таклиф ва эътирозларингизни қуйидаги манзилга жўнатишингиз мумкин:
E-mail: j.mamasalaev@cbu.uz

Кредит хатарларини камайитиришда қўлланиладиган макропруденциал чоралар: давлатлар тажрибаси ва Ўзбекистонда қўллаш имкониятлари

Банк-молия соҳасида рақамли технологиялар ва бошқа инновацион имкониятларнинг яратилиши аҳолининг янги ва тезкор кредит маҳсулотларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирсада, бу жараённинг айрим салбий жиҳатлари ҳам кузатилмоқда.

Хусусан, онлайн платформа орқали қарз олиш жараёнининг соддалашгани қарз олувчиларнинг молиявий мажбуриятларини тўлиқ ҳис қилмасдан ёки ўз **даромад имкониятларини чуқур ҳисобламасдан** қарз олиш ҳолатларини кучайтирмоқда. Натижада, бир вақтнинг ўзида бир нечта банк иловалари орқали кредит расмийлаштириш ҳолатлари кўпайиб, аҳолида ортиқча қарздорлик ва **кредит масъулиятсизлиги хавфи** ортади.

Бундай шароитда **кредит шартларининг ўз вақтида қатъийлаштирилмаслиги** ёки зарур **макропруденциал воситаларнинг** регулятор томонидан жорий этилмаслиги, бир томондан уй хўжаликларининг молиявий ҳолатига салбий таъсир қилса, иккинчи томондан банк тизимининг кредит портфели сифатига ва умумий молиявий барқарорликка хавф солади.

Мисол учун, 2007-2008 йилларда глобал молиявий инқироз юзага келиши нафақат банкларнинг бизнес моделлари ўзгариши, молиявий инновацияларининг (*ипотека билан таъминланган қимматли қоғозлар ва деривативлар*) ривожланиши шароитида кредит хатарларини етарлича баҳоламасдан уй-жой сегментига катта миқдорда ресурслар йўналтирилиши, балки регуляторлар томонидан кредит шартларининг ўз вақтида қатъийлаштирилмаганлиги билан ҳам узвий боғлиқ бўлган¹.

Кредит беришда ортиқча хатарларни олдини олиш ва молиявий тизим барқарорлигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда халқаро амалиётда **қарз олувчиларга қаратилган талабларни** (*Borrower-based measures – BBMs*) қўллаш макропруденциал чора сифатида кенг фойдаланиб келинмоқда.

Бундай воситалар сифатида **кредитнинг даромадга нисбати** (*Loan-to-income – LTI*), **қарзга хизмат кўрсатишнинг даромадга нисбати** **кўрсаткичи** (*Debt service-to-income – DSTI*), **кредитнинг гаровга нисбати**

¹ Francesco G. Caloia, (2024). Borrower-based measures, house prices and household debt. *Journal of International Money and Finance*. vol.143. p.1.

(*Loan-to-value – LTV*) ва **қарзнинг даромадга нисбати** (*Debt-to-income – DTI*) бўйича чекловларни санаб ўтиш мумкин.

Мазкур воситаларнинг қўлланилишидан кўзланган асосий мақсад – қарздорлар ва кредиторларни молиявий ва иқтисодий шокларга нисбатан йўқотишларини камайтириш ҳамда тизимли хатарларни юмшатиш ҳисобланади.

I. Қарз олувчиларга қаратилган макропруденциал чоралар бўйича мамлакатлар тажрибаси

Ирландия Марказий банки томонидан 2015 йилда ипотека кредитлари бўйича LTI кўрсаткичи биринчи марта уй сотиб олаётганлар учун **3,5 баробардан**, иккинчи марта учун эса **4 баробардан** ортиқ бўлмаслиги ҳамда **кредит суммасининг таъминотга нисбати (LTV)** 90 фоиздан ошмаслиги белгиланди.

Мазкур киритилган талаб аҳоли қарздорлигининг ортиқча ўсишини олдини олиш, уй-жой нархларининг кескин ўсишини чеклаш ва молия секторидаги тизимли хатарларни камайтириш мақсадида амалга оширилгани таъкидланган.

Тижорат банкларида ушбу талабдан юқори кредитлар бериш учун ҳам маълум даражада имкониятлар яратиб берилган. Бунда, биринчи ва иккинчи марта уй-жой харид қилаётган миждозлар кредитларининг 15 фоизи, “buy to let” (*ижарага бериш мақсадида сотиб олинган уй-жойлар*) кредитлари бўйича эса 10 фоизи 3,5 баробарлик меъёрий чегарадан юқорида бўлиши мумкинлиги белгиланган.

LTI ва LTV чекловларининг қарз олувчилар хулқ-атворида таъсири сезиларли даражада фарқ қилади. LTI билан чекланган қарз олувчилар (*одамда ёш ва даромадлари паст аҳоли*) қиммат уй-жой харидидан воз кечишга мажбур бўлган бўлса, LTV билан чекланган (*молиявий жиҳатдан барқарор*) қарз олувчилар уй-жой қийматини сақлаб қолиб, бошланғич бадални амалга оширган. Бошқача айтганда, LTI чеклови уй-жой бозорида нархларни пасайтиришга тўғридан-тўғри таъсир қилса, LTV асосан дефолт ҳолатида банкларнинг эҳтимолий зарарларини ва кредит олувчиларнинг масъулиятсизлик хатарини камайтиришга хизмат қилади.

Шунингдек, LTI жорий этилгунга қадар катта миқдорда кредит олиш имконига эга бўлган аҳоли улуши юқори бўлган ҳудудларда уй-жой нархларининг ўсиш суръати ва “нарх/ижара” (*price-to-rent*) кўрсаткичи сезиларли даражада пасайган. Айрим ҳудудларда ушбу кўрсаткич 21 фоизгача пасайган. Бу шуни англатадики, LTI нафақат аҳолининг қарз

юкини камайтиришда, балки макроиқтисодий даражада нарх номутаносибликларни олдини олишда ҳам самарали эканини кўрсатади.

LTI бозордаги талаб ва нархлар динамикасига фундаментал жиҳатдан кучлироқ таъсир кўрсатишини ва бозорнинг қизиб кетишни олдини олишда самарадор восита эканлигини кўрсатди.

LTI талаби нафақат қарз олувчилар барқарорлигини оширишда, балки тизимли хатарларни камайтириш ва нарх пуфакларининг олдини олишда ҳам самарали эканлиги аниқланган. Шунингдек, улар айниқса уй-жой нархлари аҳоли даромадлари ўсишидан тезроқ ўсиб бораётган шароитда уй-жойнинг оммабоплигини оширишга ҳам хизмат қилиши мумкин.

Канадада уй-жой нархларининг кескин ўсиши ва қарз юкининг энг юқори даражага чиқиб бораётгани сабабли 2025 йилнинг I чорагида LTI талаби жорий этилган. Молия институтлари бўйича федерал назорат идораси томонидан белгиланган талабга кўра, LTI фақат янги ипотека кредитларига нисбатан амал қилади ва мавжуд кредитлар ёки янгиланаётган шартномаларга татбиқ этилмайди. Бунда, ипотека кредитининг талабгор йиллик даромадига нисбати **4,5** баробардан ошмаслиги белгиланган.

Канадада LTI бўйича айрим истиснолар ҳам мавжуд. Хусусан, кўчмас мулк нархлари жуда юқори бўлган Торонто ва Ванкувер каби йирик шаҳарларда баъзи истеъмолчиларга юқори LTI кредитлари берилиши мумкин. Бироқ, бу ҳолатда ҳар бир банк учун берилиши мумкин бўлган юқори LTIга эга кредитлар сони бўйича чораклик лимитлар белгиланган. Бундан ташқари, бошланғич бадали 20 фоиздан кўп бўлган ва суғурталанган ипотека кредитларига LTI чеклови қўлланилмайди.

Францияда аҳоли қарздорлигининг ортиб бораётгани шароитида молиявий барқарорликни таъминлаш мақсадида Молиявий барқарорлик бўйича Олий Кенгаш томонидан LTI талаби 2020 йил 1 январдан бошлаб амалиётга жорий этилган (2019 йилдаги ҳисоб-китобларга кўра, Францияда ўртача LTI даражаси **5,2** ни, илк марта уй-жой харид қилувчилар учун эса **5,6** ни ташкил этган).

Францияда LTI талаби DSTI чеклови билан биргаликда қўлланилади. DSTI нинг 33 фоиздан ошмаслиги асосий чеклов сифатида қўлланилса, DSTI нинг ушбу чегарадан ошган ҳолатларида LTI кўрсаткичининг 7 баробардан ошмаслиги қўшимча талаб сифатида белгиланган. Шунингдек, янги ажратилган кредитларнинг 15 фоизигача бўлган қисми ушбу чекловлардан истисно этилиши мумкин. Бироқ, уларнинг 75 фоизи

биринчи марта турар-жой харид қилиш мақсадлари учун ажратилиши лозим.

Белгия Миллий банки томонидан LTI кўрсаткичи 2020 йилда мониторинг қилиш мақсадида жорий этилган бўлиб, 2021 йилдан бошлаб барча тижорат банклари учун мажбурий ҳисобот шаклида қўлланилмоқда. Ушбу мамлакатда LTI норматив чеклов эмас, балки молиявий барқарорликни назорат қилиш воситаси сифатида фойдаланилади. Унинг жорий этилишига аҳоли қарздорлигининг ортиши, ипотека кредитларининг кўпайиши ва кўчмас мулк бозорида рискларнинг ошиши сабаб бўлган.

Ушбу кўрсаткич Белгияда яшаш учун олинадиган ипотека кредитлари ҳамда “buy to let” (ижарага бериш мақсадида сотиб олинган уй-жойлар) кредитларига нисбатан қўлланилади. Банклар ҳар бир ажратиладиган кредит учун LTI билан биргаликда DTI, DSTI ва LSTI кўрсаткичларини ҳам ҳисоблаб Белгия Миллий банкига ҳисобот беради. Расмий чегаравий меъёр белгиланмаган бўлсада, кредит портфелида юқори LTI га эга кредитлар улуши ортган банклар учун регулятор томонидан индивидуал чоралар қўлланилади.

Словакияда DTI талаби 2014 йилдан бошлаб амалда бўлиб, у ипотека кредитлари бўйича рискларни камайтириш ва аҳоли қарздорлигини барқарорлаштириш мақсадида жорий этилган. DTI билан бирга DSTI ва LTV чекловлари ҳам қўлланилиб, макропруденциал сиёсатнинг асосий воситаларига айланган.

Словакияда DTI талаби асосан янги ипотека кредитларига нисбатан қўлланилади ва банклар бу кўрсаткични ҳисоблаб, Словакия Марказий банкига ҳисобот топширади. Бунда, DTI нинг максимал чегараси 8 баробардан ошмаслиги лозим. Чекловлар аҳоли молиявий барқарорлигини таъминлаш ва банк тизимидаги кредит таваккалчилигини камайтириш учун зарур деб топилган.

Дастлаб, ушбу механизм тавсиявий тарзда бошланган бўлсада, кейинчалик мажбурий назорат шаклига ўзгартирилган. 2015 йилда 90 фоиздан юқори LTV га эга кредитлар 20 фоиздан кам бўлган бўлса, 2016 йилда бу улуш 6,3 фоизгача тушган. Бу эса DTI талабининг жорий этилиши Словакия молия секторида тизимли хатарларни камайтирганини кўрсатади.

Англия банки 2014 йилда ипотека кредитларига LTI чекловини ($LTI \leq 4,5$) жорий қилган. Мазкур чора аҳоли қарздорлигининг ортиқча

ўсишини тўхтатиш ҳамда уй-жой нархлари кескин ўсиши шароитида молиявий тизим барқарорлигини таъминлашга қаратилган эди.

LTI чеклови жорий этилишининг асосий сабаби $LTI \geq 4,5$ бўлган юқори хатарли ипотека кредитлари улушининг ортиши бўлган. Бу тенденция молиявий ликвидликнинг юқори даражаси, паст фоиз ставкалари ва уй-жой бозорида таклиф етишмовчилиги шароитида кузатилган. Амалдаги тартибга кўра, тижорат банклари регуляторга махсус ариза билан мурожаат қилиш орқали мижоз йиллик даромадининг 4,5 баробаридан юқори бўлган кредитларни ажратиши мумкин. Бироқ, 4,5 дан юқори LTI га эга кредитларнинг банклар томонидан 1 йил давомида ажратилган янги кредитлардаги улуши 15 фоиздан ошмаслиги зарур.

Шунингдек, Англия банки томонидан LTI билан биргаликда DSTI чеклови ҳам қўлланилиб келинган. Бироқ, 2022 йилда амалга оширилган стресс-тест натижалари ипотека кредити бўйича фоиз ставка 3 фоиз бандга оширилганда қарз юкини пасайтиришда асосий самарани айнан LTI талаби бераётгани сабабли DSTI талаби ортиқча деб топилиб, бекор қилинган.

Бундан ташқари, LTI чеклови бўйича сценарийли таҳлиллар амалга оширилган бўлиб, ушбу чеклов бўлмаган тақдирда 4,5 дан юқори LTI га эга ипотека кредитлари улуши 25 фоизгача етиши прогноз қилинган. Ҳатто уй-жой нархлари мўътадил ўсган тақдирда ҳам 4,5 дан юқори LTI га эга ипотека кредитлари улуши 15 фоизга етиши маълум бўлган. LTI чекловининг жорий этилиши бундай кредитлар улушини 10 фоиз атрофида барқарорлашишига ҳамда юқори қарз юкига ($DSTI \geq 40\%$) эга кредиторлар сони камайишига хизмат қилди.

Таъкидлаш жоизки, LTI чеклови уй-жойни биринчи марта сотиб олувчилар учун ипотекадан фойдаланиш имкониятига минимал таъсир кўрсатган. Ушбу гуруҳ учун асосий тўсиқ даромад эмас, балки дастлабки тўлов (LTV чеклови) даражаси бўлган. Англия банкининг 2021 йилдаги таҳлилига кўра, потенциал мижозларнинг 0,4 фоизи LTI талабини бажара олмагани, 83 фоизи бошланғич тўловни амалга ошириш қобилиятига эга бўлмагани сабабли кредит олишга мурожаат эта олмаган.

Англия банки ўтказган таҳлилга кўра, LTI чекловларини жорий этиш банклар ва уй хўжаликларининг иқтисодий фаоллигига салбий таъсир кўрсатмаган ҳолда уларнинг барқарорлигини сезиларли даражада оширган. Агар шу мақсадда бошқа муқобил чоралар — хусусан, фоиз сиёсатини қатъийлаштириш ёки банклар учун капитал талабларини

ошириш — қўлланилганида, уларнинг макроиқтисодий оқибатлари салбийроқ бўлиши прогноз қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, Англия тажрибаси LTI талабининг жорий этилиши ипотека бозорини барқарорлаштириш, аҳолининг ортиқча қарздорлигининг олдини олиш ва тизимда йирик шоклар юзага келиш рискинни камайтиришда самарали ҳамда нисбатан “юмшоқ” чора эканини кўрсатди².

1-жадвал: LTI ва DTI талаблари бўйича хорижий мамлакатлар тажрибаси

№	Давлатлар номи	Жорий этилган сана	Жорий этиш механизми
1	Ирландия	2015 йил	Ипотека кредитлари учун $LTI \leq 3,5$ ва $LTV \leq 90\%$
2	Канада	2025 йил I чораги	Янги ипотека кредитлари учун $LTI \leq 4,5$. Суғурталанган ипотека кредитлари бўйича истиснолар мавжуд.
3	Франция	2020 йил	Ипотека кредитлари учун асосий чеклов $DSTI \leq 33\%$. Янги ажратилган кредитларнинг 15 фоизигача қисми ушбу икки чекловдан истисно қилиниши мумкин.
4	Белгия	2021 йил	LTI нинг меъёрий чегараси белгиланмаган. Ушбу кўрсаткич билан биргаликда DTI, DSTI ва LSTI кўрсаткичлари мониторинг қилиб борилади. Ўртача тортилган LTI кўрсаткичи ошиб кетган банклар учун регулятор томонидан индивидуал чоралар кўрилади.
5	Словакия	2014 йил	Ипотека кредитлари учун $DTI \leq 8$. DTI билан биргаликда DSTI ва LTV чекловлари ҳам қўлланилади.
6	Англия	2014 йил	Ипотека кредитлари учун $LTI \leq 4,5$. Кредит портфелининг 15 фоизигача юқори LTI га эга кредитлар ажратиш мумкин.
7	Норвегия	2017 йил	Ипотека кредитлари учун $LTI \leq 5.0$
8	Дания	2017 йил	Ипотека кредитлари учун $LTI \leq 4.0$
9	Швеция	2018 йил	Ипотека кредитлари учун $LTI \leq 4.5$
10	Янги Зеландия*	2024 йил	Ипотека кредитлари учун $LTI \leq 6.0$
11	Бирлашган Араб Амирликлари	2013 йил	Ипотека кредитлари учун $LTI \leq 8.0$
12	Қувайт	-	Истеъмол кредитлари учун $LTI \leq 25$ (ойлик даромадига нисбатан)

² Committee on the Global Financial System. (2023). Macroprudential policies to mitigate housing market risks: Country case study – United Kingdom (CGFS Papers No. 69). Bank for International Settlements. <https://www.bis.org/publ/cgfs69.htm>

II. Макроиктисодий барқарорликка таъсири

Иқтисодий шоклар кузатилган шароитда юқори LTI га эга уй хўжаликлари мўътадил қарзга эга уй хўжаликларига нисбатан истеъмолни 3 баробар кўпроқ қисқартиради. Бу LTI чекловининг истеъмол канали орқали узоқ муддатли рецессия фазасини чеклаш самарадорлигини ва унинг макроиктисодий аҳамияти муҳимлигини изоҳлайди³. Шунингдек, уй-жой бозори қизиб кетиши сабабли юз берадиган рецессия шароитида фақат LTI талабини қўллаш орқали ЯИМни 0,4–1,5 фоиз бирликка ошириш мумкинлиги таъкидланди⁴.

Европа Марказий банки томонидан амалга оширилган тадқиқотга кўра, даромадга боғланган чоралар (LTI ва DSTI) тизимли хатарларни камайтиришда энг самарали ҳисобланади. Ҳисоб-китоблар кредит циклининг кенгайиши (*потенциал даражадан юқори*) фазасида ВВМ қўлланилмаган тақдирда қарз юки ($DSTI \geq 40\%$) юқори уй хўжаликлари улуши 3-7 фоиз бандга ўсиши мумкинлигини кўрсатди. ВВМ жорий этилганда эса юқори қарз юкига эга уй хўжаликлари сонининг ўсиши кузатилмади.

Ушбу муносабат айниқса, Греция ва Португалия каби қарздорлик даражаси юқори ва аҳоли ижтимоий ҳимоя тизими етарлича ривожланмаган давлатларда яққол намоён бўлди. Германия ва Нидерландия каби даромадлари барқарор ва жамғармалари юқори мамлакатларда эса нисбатан заиф бўлди.

Шунингдек, қисқа муддатда кредитлардан фойдаланиш имкониятининг чекланиши сабабли истеъмол ўртача 0,2–0,6 фоизга пасайиши (*чекловлар жорий этилгандан сўнг 1–2 йил мобайнида*) кузатилади. Бироқ, узоқ муддатда уй хўжаликларининг молиявий барқарорлиги яхшиланиши сабабли истеъмол кўрсаткичи тез суръатларда тикланади.

Таъкидлаш жоизки, ВВМ чоралар рецессия пайтида эмас, балки иқтисодий қизиш фазасида жорий этилса кўпроқ самара кўрсатади. Бу хулоса макропруденциал сиёсатнинг **«leaning against the wind»** тамойилини тасдиқлайди. Бунда, хатарларни олдиндан жиловлаш, инқироз рўй бергандаги салбий оқибатларни бартараф этишга уринишдан кўра самаралироқдир.

Шу билан бирга, мақолада ВВМ нинг ижтимоий адолат ва эҳтимолий ёндош оқибатлари масаласи кўтарилган. Даромадга нисбатан

³ Bunn, P., Rostom, M. Household debt and spending in the United Kingdom, Staff Working Paper No. 554, 2015.

⁴ Bank of England. Financial Stability Report - December 2021

тақиқловчи чекловлар моҳияти универсал бўлсада, қарз олувчиларнинг турли гуруҳларига турлича таъсир қилиши мумкин. Тадқиқотчилар BVM ни ижтимоий ва уй-жой сиёсати билан мувофиқлаштириш зарурлигини таъкидлайди – хусусан, бошланғич тўлов учун субсидиялар, солиқ имтиёзлари ёки арзон уй-жой дастурларини ривожлантириш орқали.

Умуман олганда, Gaffney ва Edward (2019) Ирландияда ипотека кредитларига LTI чекловлари жорий қилиниши уй хўжаликларига таъсирини ўрганган. Тадқиқот натижаларига кўра, LTI нинг 3,5 қилиб белгиланиши натижасида 2018 йил давомида янги ажратилган ипотека кредитлари **0,5%-1,1% (40-100 млн евро)** га камайган⁵.

Nymoен, Pedersen ва Sjöberg (2019) тадқиқотларида бир нечта ривожланган иқтисодиётларда (*Австралия, Канада, Дания, Финландия, Ирландия, Нидерландия, Янги Зеландия, Норвегия, Швеция, Буюк Британия*) макропруденциал чораларнинг таъсирини ўрганган. Тадқиқот натижаларига кўра, LTI жорий қилиниши уй хўжаликларига ажратилган кредитларнинг чораклик ўсишини **0,23** фоизга қисқартирган⁶.

III. Қарз олувчиларга қаратилган макропруденциал талабларнинг Ўзбекистондаги жорий ҳолати ва DTI талабининг жорий қилиш зарурияти

Ўзбекистонда молиявий тизим барқарорлиги ва қарз олувчиларнинг молиявий интизомини таъминлашга қаратилган қатор халқаро амалиётда кенг қўлланиладиган талаблар босқичма-босқич жорий этиб келинмоқда.

Хусусан, 2019 йилдан бошлаб қарз берувчи томонидан микроқарзлар ажратиладиганда жисмоний шахснинг **қарз юки кўрсаткичи (DSTI) 50** фоиздан ошмаслиги талаби киритилди. Яъни, мазкур талаб қарз олувчи ойлик даромадининг 50 фоизидан кўп қисмини кредит тўловларига сарфлашини чеклайди. Кейинчалик мазкур талаб 2024 йил 1 июлдан бошлаб жисмоний шахсларга ажратиладиган барча турдаги кредитларга (микроқарзларга) нисбатан татбиқ этилиши белгиланди ҳамда 2025 йил 1 январга қадар 60 фоиз этиб белгиланди. 2025 йил 1 январдан бошлаб ушбу меъёр 50 фоизга ўзгартирилди.

⁵ Gaffney, Edward, 2019. Mortgage borrowers at the loan-to-income limit. *Financial Stability Notes* 11/FS/19, Central Bank of Ireland.

⁶ Nymoен, R., Pedersen, K., & Sjöberg, J. I. (2019). Estimation of Effects of Recent Macroprudential Policies in a Sample of Advanced Open Economies. *International Journal of Financial Studies*, 7(2), 23. <https://doi.org/10.3390/ijfs7020023>

Шу билан бирга, жисмоний шахсларга ажратиладиган ипотека кредитлари учун кредитнинг гаровга нисбати кўрсаткичи (LTV) 80% қилиб белгиланган бўлса, автокредитларда бу кўрсаткич 75% билан чегараланган. Бундай талаблар кредит олувчиларнинг таъминотсиз ёки ҳаддан ташқари юқори хатар билан қарз олишининг олдини олади.

Шунга қарамай, бугунги кунда Ўзбекистонда фин-инновациялар ва рақамли хизматларнинг ривожланиши аҳолига кредит маҳсулотларидан тез, осон ва кенг кўламда фойдаланиш имконини яратмоқда.

Сўнгги йилларда республикамизда жисмоний шахсларнинг **микроқарз, кредит карта ва овердрафт** каби кредит маҳсулотларидан кенг кўламда фойдаланаётганлиги, аҳолининг ортиқча қарз юки бўйича бир қанча хавотирларни келтириб чиқармоқда.

Хусусан, тижорат банклари томонидан жисмоний шахсларга ажратилган биргина **микроқарзлар** қолдиғи 2023-2025 (август) йиллар оралиғида **3,5** бараварга ўсган шароитда, республикамизда ўртача ойлик иш ҳақи⁷ **1,5** бараварга ошган. Бу ҳолат аҳолининг молиявий хизматлардан фаол фойдаланаётганини кўрсатиши билан бирга, ортиқча қарз юки хавфи ҳам ошиб бораётганлигини кўрсатмоқда.

Агар бундай тез суръатдаги ўсиш **аҳолининг даромадлар динамикаси билан мутаносиб тарзда чекланмаса**, келгусида аҳолининг кредит мажбуриятларини бажара олмаслик ҳолатлари юзага келиши мумкин. Бу эса банklar кредит портфели сифатининг ёмонлашишига ва молиявий тизим барқарорлигига хавф туғдиради.

DSTI талаби қарз олувчининг ойлик тўлов қобилиятини ҳисобга олса-да, кўп ҳолларда кредитларнинг узоқ муддатга ажратилиши қарз олувчининг **қарз миқдорини унинг даромадга нисбатан** кескин ошиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бу эса иқтисодий шароитлар қатъийлашган шароитда (*масалан, ишсизлик ёки даромадларнинг пасайиши*) жиддий молиявий хатарларни келтириб чиқариши мумкинлигини ва бундай ҳолатда фақатгина DSTI талабининг ўзи етарли бўлмаслигини кўрсатади.

Юқорида таъкидланганидек, бугунги кунда халқаро тажрибада Loan-to-Income (LTI) ва Debt-to-Income (DTI) талаблари кенг қўлланилмоқда ва аҳолининг кредит хатарларини тартибга солишда анчайин самарали эканлиги таъкидланмоқда.

⁷ 2025 йил январ-июнь ҳолатига олинган


Шундан келиб чиқиб, Марказий банк томонидан биринчи навбатда LTI ҳолати ўрганилди. Бу орқали қарз олувчиларнинг даромадга нисбатан қанча миқдорда қарз олаётганлиги, юқорида таъкидланган кредитлар асосан аҳолининг қайси қатламларига ва қандай ҳажмларда тақсимланаётганини таҳлил қилинди.

2025 йил январь-июнь ойларида кредит олган 620 минг нафар жисмоний шахслар танлаб олиниб ўрганилганда, кредит расмийлаштирган вақтда уларнинг қарийб **65** фоиздан кўпроғининг LTI кўрсаткичи **0-5** бирлик нисбат оралиғида, **25** фоизга яқин қисмининг LTI кўрсаткичи **5-10** бирлик нисбат оралиғида шаклланган.

Бошқача айтганда, LTI талабининг **5 бирлик нисбат**да жорий қилиниши, шу турдаги кредит маҳсулотларини олувчиларнинг тахминан **35** фоизга яқин, 10 бирлик нисбатда жорий қилиниши эса кредит олувчиларнинг **10** фоиздан кам қисмига ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Яъни, мазкур талабнинг жорий этилиши ушбу нисбатлар оралиқдаги кредит олувчиларнинг кредит олишини чекламайди, фақат ўз даромадига нисбатан ортиқча хатарли кредитлашни олдини олади.

1-рasm: Кредит шартномалари бўйича LTI кўрсаткичи тақсимланиши


(микроқарз, овердрафт, кредит карта)



Шунингдек, LTI талабининг **8 бирлик**да жорий этилган шароитда таъсир доирасидаги кредит олувчилар асосий қисми, аниқроғи 78 фоизга яқин қисми **5 млн** сўмгача иш ҳақига эга жисмоний шахслардан ташкил топиши аниқланди. Таъсир диапозонидаги кредит олувчиларнинг яна **20** фоиз қисми **5-10 млн** сўм оралиғида, қолган **2** фоизи атрофида эса

10 млн сўмдан кўпроқ ойлик иш ҳақиға эға жисмоний шахслардан иборат.

2-расм: Кредит шартномалари бўйича ўртача ойлик иш ҳақининг LTI кўрсаткичи кесимида тақсимланиши
(микроқарз, овердрафт, кредит карта)



Қолаверса, Ўзбекистон бўйича амалға оширилган эмпирик ҳисоб-китоб натижаларига кўра, LTI кўрсаткичининг 1 нисбат бирликка камайтирилиши ўрта ҳисобда кредит олувчиларнинг кредитни ўз вақтида қайтармаслик эҳтимолини **6,2** фоизга камайтиради.

LTI талаби кредитнинг миқдорини қарз олувчининг даромадига нисбатан чеклайди ва асосан кредит берилиш пайтидаги бир марталик ҳажмни баҳолайди. Аммо амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, қарз олувчилар бир вақтнинг ўзида турли манбалардан бир нечта кредит олиши мумкин ва ҳар бир кредит алоҳида LTI лимитига тўғри келса-да, уларнинг қарз юки ошиб кетиш эҳтимоли юқори.

Аксинча, DTI талаби эса қарз олувчиларнинг шу турдаги барча кредитлар бўйича қарз суммасини унинг ойлик ёки йиллик даромадига нисбатан тартибга солади. Бошқача айтганда, ушбу восита нафақат янги ажратиладиган кредитнинг миқдорини, балки мавжуд кредит мажбуриятларни ҳам ҳисобга олиб, қарз олувчининг ҳақиқий молиявий

аҳволини тўлиқ акс эттиради. DTI, умуман олганда, DSTI талабини тўлдиради. Агар DSTI қарз тўловларининг ойлик қарз юкини тартибга солса, DTI қарз олувчининг умумий молиявий барқарорлигини ва узоқ муддатли қарз юкини белгилайди.

Ушбу воситаларнинг биргаликда қўлланилиши қарз олувчиларнинг молиявий имкониятларига мутаносиб равишда кредит олишини таъминлаб, аҳолининг ортиқча қарздорлик хавфини чеклайди ҳамда банк тизимининг барқарорлигини мустаҳкамлайди. Бу орқали кредит портфели сифати яхшиланиб, молиявий ресурслар самарали йўналтирилади ва қарз олувчилар ўз молиявий мажбуриятларини даромадлари доирасида режалаштиришга ўтади, бу эса узоқ муддатда кредит бозорининг соғлом ривожланишини таъминлайди.